



ЎЗБЕК ТИЛИДА НАФАҚАТ ГИБРИД ЎКЛАМАСИННИГ ПОЛИСЕМИК ХУСУСИЯТИ

Закирова Хафиза Разаковна
филология фанлари кандидати
Андижон давлат университети
Ўзбек тилшунослиги
кафедраси доценти
zakiheart@mail.ru +998934152881

Аннотация

Маколада *нафақат* гибрид юкламасининг уюшган бўлаклар билан келгандаги полисемик хусусиятлари ўрганилган, хуласалар чиқарилган.

Аннотация

In article it is about the polysemantic features of the hybrid particle *nafacat* in homogeneous terms of the sentence.

Annotation

The article deals with the polysemantic features of the hybrid particle *nafacat* in homogeneous terms of the sentence

Хозирги ўзбек адабий тилида *нафақат* гибрид юкламаси фаоллашиб кетди. Бу форсча-тожикча *на* инкор юкламаси билан арабча *факат* айирувчи, чегараловчи юкламаси қўшилиб, араб тилида ҳам, форс-тожик тилларида ҳам бўлмаган янги ўзбекча ёрдамчи сўздир.

Нафақат сўзи илгари алоҳида-алоҳида талаффуз қилинар ва шундай ёзилар эди, кейинги пайтларда эса бу икки сўз бир бош ургу билан талаффуз қилиниб, бир сўз каби қўллана бошлагандан кейин ёзувда ҳам қўшиб ёзила бошлади ва бир қўш юклама бўлиб колди (*на* юкламаси форс-тожик тилида бирга келган ҳамма сўзларга, худди ўзбек тилидаги *-ми* юкламаси каби, қўшиб айтилади ва ёзилади, аммо ўзбек тилида алоҳида, қўшилмасдан ёзилади).

Одатда, мустақил маъноли сўзларда икки ўзакнинг қўшилиб, бир бош ургу билан талаффуз қилинишидан янги бир сўз – ясама сўз ҳосил бўлади. Аммо мустақил маънога эга бўлмаган сўзларда бундай эмас. Икки ёки ундан ортиқ ёрдамчи сўзнинг қўшилиб, бир бош ургу билан талаффуз қилинишидан қўшма сўз ҳосил бўлишига қарамай, нутқда ҳар бир элемент ўз семантиқ хусусиятини сақлайди: *наҳот-ки*, *факат-тина*, *ҳатто-ки*, *гүё-ки* ва бошқалар.

Нафақат сўзида ҳам шундай ҳодиса рўй берган: бунда *на* элементи ўзининг инкортаъкид маъносида, *факат* сўзи эса ажратувчи юклама маъносида қўлланади. Бир бош ургу билан талаффуз қилинса ҳам, унинг қисмларидағи семантиқ-грамматик маъноларида ўзгариш бўлмайди: қўш маъноли юклама бўлиб қолаверади.

Хозирги ўзбек адабий тилида бу қўш юклама тилимизда мавжуд бўлган «-тина эмас» юкламасининг ўрнига қўллана бошлади. Буни *нафақат* сўзи иштирокида тузилган гапларнинг мазмунини трансформация қилганимизда яна ҳам аниқроқ қўриш мумкин: *Болаларнинг яхмалак отиши*, қорбўрон ўйнаниши *нафақат завқли*, балки соғлом бўлишида ҳам яхши. Бу гапдаги *нафақат* сўзида *на* элементи инкортаъкид юкламаси вазифасида, *факат* сўзи эса айирув, чегаралов юкламаси вазифасида келмоқда. Демак, бундай

конструкцияларда нафақат сўзи “-гина эмас” юкламаларининг, яни айрувчи ва инкор юкламаларининг маъносига тенг: **нафақат завқли – завқлигина эмас** (айирув + инкор).

Хозирги ўзбек адабий тилида, айниқса хозирги матбуот тилида **нафақат** ёрдамчиси орқали ҳосил бўлган синтактик конструкциялар кўплаб ишлатилмоқда. Шунинг учун бу ёрдамчи орқали ҳосил бўлган синтактик конструкцияларни ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жаҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Нафақат сўзи ажратилиб, таъкидланиб, зидланиб, қиёсланиб келаётган гап бўллагидан олдин келади ва мазмунан ўзидан кейинги тасдиқ шаклидаги гап бўллагидан кичикроқ, кам даражада, кам аҳамиятли эканлигини билдириб, олдинги бўлакдаги мазмун билан қиёслаб, нутқнинг кўтариувчи градациясини ҳосил қилувчи стилистик восита сифатида хизмат қиласи.

Нафақат юкламаси ҳосил бўлган уюшик бўлакли конструкцияларда грамматик кўрсаткичларнинг қўлланиши иккى ҳолатда бўлиши мумкин:

1) **Нафақат** юкламаси билан келаётган олдинги бўлакда грамматик кўрсаткичлар ифодаланмаслиги, “тушуриб қолдирилган” бўлиши мумкин. Унинг қандай формада эканлиги уюшаётган бўлаклар орқали аниқланади: **Нафақат турмуш, илм-фанда ҳам қинғир йўллардан бориб, иззат-икромга эришиш мумкин деб ўйласа?** Бу гапда уюшик бўлакларнинг биринчиси белгисиз формада келмоқда. Унинг қандай грамматик формада эканлигини аниқлаш учун **нафақат** сўзидаги **на** элементининг грамматик синоними “эмас” юкламаси билан алмаштириб қўлласак, у ҳолда инкор қилиниб, таъкидланаётган бўлак ҳам ўзининг грамматик кўрсаткичларига эга бўлади: нафақат турмуш, илм-фанда ҳам – фақат турмушда эмас, илм фанда ҳам.

2) уюшик бўлакларнинг ҳаммасида грамматик формалар сақланиши ҳам мумкин: **Чунки бу мукофот нафақат Ҳамид Гуломга, балки Хозирги замон ўзбек прозасига берилган мукофот ҳамдир.**

Нафақат ёрдамида ҳосил бўлган уюшик бўлакли конструкцияларда кейинги уюшик бўлакларни таъкидловчи, кучайтирувчи, олдинги бўлакдаги мазмунга қўшувчи ёки унга қарама-қарши қўювчи ҳар хил грамматик воситалардан хеч бўлмаса биттаси (нафақатдан ташқари) бўлиши зарур. Бундай конструкцияларда биринчи уюшик бўлакнинг олдидан **нафақат** юкламаси келган бўлса, ундан кейинги бўлак олдидан кўпинча **балки** боғловчиси келтирилади ёки гапнинг мазмунига қараб “шу билан бирга, айни пайтда, қолаверса, жумладан, ҳатто” каби ёрдамчилар келтирилади, уюшаётган бўлакларнинг охиргисидан кейин таъкидловчи ҳам юкламаси қўлланади. Бу ёрдамчиларнинг қайсилари, бир ёки бир нечасининг қўлланиши стилистик талабга қўра бўлади.

Булар қуидагича кўринишга эга :

1. Гапда билдирилаётган мазмуннинг **нафақат** юкламаси орқали ажратилиб, таъкидланиб кўрсатилаётган бўлакка оидлиги билан қаноатланиб қолмасдан, унинг янада кенгроқ масштабда давом этишини билдириш учун биринчи уюшаётган бўлакдан кейин **балки** боғловчиси келтирилади: **Отакўзи аканинг ишлари нафақат шу район, балки бутун областта ибрат бўлгусидир.**
2. Юқоридагидек гапларда кейинги бўлакни таъкидлаш учун **ҳам** юкламаси келтирилади: **Текшир-текшир, тушунтириш хати ёзиш нафақат директорни, балки ўқитувчиларни ҳам чарчатди.**
3. Юқоридагидек “нафақат..., балки... ҳам» воситаларида ҳосил бўлган конструкцияларда уюшик бўлаклар орасидаги **балки** боғловчиси қўлланмаслиги ҳам мумкин. Бунда у уюшик бўлакларда зидлаш, қарама қарши қўйиш мазмуни бир оз камайиб, олдинги бўлак орқали ифодаланган мазмунга кейинги бўлак орқали ифодаланган мазмун ҳам қўшилиши ифодаланади: **Ана шу савол нафақат бизни, ҳаммани ҳам ажаблантириди.**

4. Уюшаётган бўлакларнинг биринчиси **нафақат** юкламаси орқали ажратилиб, таъкидланиб, зидланиб келаётганда, кейинги бўлакни ҳам таъкидлаш, кучайтириш зарур бўлса, у бўлакдан олдин **ҳатто** юкламаси келтирилади: *Чингизхон лашкарлари бу тупроққа қора тўфон, йўқ, қора чигиртка янғлиқ бостириб кирганда, нафақат кўркам шаҳарлар, обод қишлоқлар, ҳатто тоғ арчалари аёвсиз қирилган экан.*

5. **Нафақат** юкламаси орқали ҳосил бўлган уюшиқ бўлакли конструкцияларнинг иккинчи қисмида **балки** боғловчисининг ўрнига “бутун, барча” каби аниқловчилар келтирилса ҳам бўлаверади, чунки олдинги бўлакка қараганда кейинги уюшаётган бўлакнинг мазмуни кенгроқ, каттароқ эканлиги ўша аниқловчилар орқали ҳам берилиши мумкин: *Қабристон, нафақат қабристон, бутун қоракултепани тўлдириган издиҳом пастта қараб ёпирилган эди.*

6. Агар гапда қаралмишлар уюшиб келган бўлса, **нафақат** юкламаси умумий қаратқичдан кейин келади ва уюшаётган қаралмишларни бир-бирига зид қўяди: *У кишининг нафақат хўжалик соҳасидаги галабалари, балки физкультура ва ободончилик бобидаги ташаббуслари, яқин йилларда мамлакатта юз минг тонна узум етказиб бериш тўғрисидаги режалари улкан иш ва улкан режаларга ўрганиб қолган одамларни ҳам ҳайратга солмоқда.*

7. **Нафақат** юкламаси орқали ҳосил бўлган уюшиқ бўлакли конструкцияларда уюшиқ бўлаклар иккидан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Ундай пайтда ҳам уюшиқ бўлаклар иккига ажралади: а) **нафақат** юкламасига тегишли бўлган бўлаклар; б) **балки** дан кейинги бўлаклар. *Нафақат шу туман, шу вилоят, балки бутун республика, барча чўлқуварлар учун ибрат эканини таъкидлади.*

Нафақат юкламаси гапдаги ҳар қандай уюшиқ бўлак билан келиши ва у уюшиқ бўлакларнинг биринчисини ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш, иккинчисини эса олдинги бўлакка нисбатан қиёслаши, зид қўйиши мумкин.

Нафақат юкламасининг уюшиқ бўлаклар билан келиши қўйидагича:

1. **Уюшиқ эгалар билан.** Гапнинг уюшиқ эгалари **нафақат** юкламаси орқали алоқага киришган бўлса, кесимдан англашилган иш-ҳаракат уюшган эгаларнинг фақат биринчисига хос бўлиб қолмасдан, балки унга қараганда кенгроқ мазмунни ифодаловчи, муҳимроқ ҳисобланган кейинги эгаларга ҳам хослигини кўрсатиш учун хизмат қиласди. *Бугунги кунда нафақат шаҳарликлар, қишлоқда яшовчиларнинг ўзи ҳам табиатта, табиатнинг асл қиёфаси сақланган гўшаларга ташна бўлиб қолдилар.*

2. **Уюшган кесимлар билан.** **Нафақат** юкламаси орқали уюшган кесимлар феълдан ҳам, бошқа сўзлардан ҳам бўлиши мумкин. Бундай синтактик конструкцияларда ўша уюшаётган кесимлар орқали ифодаланган мазмун бир-бирига қарама-қарши қўйилади, чоғиширилади, кейинги кесим орқали ифодаланган мазмун аввалгисига нисбатан муҳимроқ эканлиги таъкидланади: *Агар Шум бола воқеаларни фаол кузатган бўлса, Ҳошимжон нафақат фаол кузатади, балки фаол курашади ҳам.*

3. **Уюшган тўлдирувчилар билан.** **Нафақат** юкламаси воситасиз тўлдирувчилар билан ҳам, воситали тўлдирувчилар билан ҳам қўлланиши мумкин. **Нафақат** юкламаси орқали ҳосил бўлган конструкция воситасиз тўлдирувчилардан бўлса, кесимдан англашилган мазмун олдинги уюшиқ бўлак билан бир қаторда кейинги бўлакка ҳам тегишли эканлигини кўрсатади, чунки кесимдан англашилган мазмун фақат олдинги бўлаккагина хос бўлса, кесимнинг мазмуни тўлиқ англашилмай қолади: *“Пахтакор” кейинги учрашувда кетма-кет мағлубиятга учраб, нафақат муҳим очколарни, шу билан биргаликда кўплаб ўз муҳлисларини ҳам йўқотди.*

Нафақат юкламаси орқали ҳосил синтактик конструкция воситали тўлдирувчилардан бўлганда, кесимдан англашилган мазмун биринчи бўлак билан чегараланиб қолмасдан, кейинги бўлакларга ҳам алоқадор эканлиги ифодаланади: *Академик Э.Юсупов Добролюбов асарларининг нафақат рус адабиёти, жумладан ўзбек адабиётига Ҳам таъсири тўғрисида тўхтади.*

4. **Уюшган аниқловчилар билан келиши.** Бу юклама уюшган сифатловчи аниқловчилар билан ҳам, қаратқаич аниқловчилар билан ҳам қўлланиши мумкин. Бунда аниқланмиш орқали ифодоланган мазмуннинг кенгайиши юзага келади. Олдинги аниқловчи англатган белги билан қаноатланиб қолмасдан, кейинги аниқловчи билдирган белги ҳам шу аниқланмишга алоқадор эканлиги, олдинги белгига қараганда кейинги белги муҳимроқ эканлиги ифодаланади: *Лекин биз қаерга бормайлик ва қаерда бўйлмайлик, фашизм ва уруш нафақат инсониятнинг, балки у инсоният томонидан яратилган гўзал санъат асарларининг ҳам душмани эканлигига қатъий ишонч қабул қилдик.*

5. **Холлар билан келиши.** Бу юклама ҳолларнинг ҳамма турлари билан ҳам кела олади ва инкор-тасдиқ тарзидаги синтактик конструкция ҳосил қилади. Бунда уюшаётган ҳолларнинг олдингисида ифодоланган мазмунга қараганда кейинги уюшик бўлак орқали ифодоланган мазмун кенгроқ эканлиги таъкидланади: *Мазкур йўйл нафақат район ёки шаҳарда, қолаверса, республикада ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга.*

Хуласа қилиб айтганда:

1. **Нафақат** юкламаси хар доим уюшик бўлакли конструкцияларда қўлланилади;
2. **Нафақат** сўзини ташкил қилувчи қисмлар тушунча ифодаланмаганлиги учун иккаласининг қўшилишидан янги маъноли ясама сўз эмас, балки қўш маъноли юклама ҳосил бўлган;
3. Бу юклама уюшик бўлакли гапларда олдинги бўлак билан кейинги бўлакни бир-бирига зидлаб, таъкидлаб, қарама-қарши қўйиб, кейинги бўлакнинг олдингисига қараганда кенгроқ, муҳимроқ мазмун ифодалашини билдиришга хизмат қилади;
4. Уюшган бўлаклар иккidan ортиқ бўлганда ҳам, улар албатта икки қисмга ажralади: нафақат юкламаси тегишли бўлган бўлаклар ва унга зид қўйилаётган бўлаклар;
5. **Нафақат** юкламаси бошқа грамматик воситалар (балки, ҳам, ҳатто, шу билан бирга, айни пайтда, қолаверса, жумладан кабилар) билан бирга нутқда кўтарилиувчи градация ҳосил қилувчи стилистик восита ҳам бўлиб хизмат қилади;
6. **Нафақат** юкламаси –гина эмас, наинки, у ёқда турсин каби грамматик воситаларга синтактик синоним бўлиб хизмат қилиш мумкин.

Адабиётлар

1. Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. – Тошкент:Фан, 1983.
2. Sayfullayeva R. Hozirgi o‘zbek adabiy tili.O‘quv qo’llanma. – Toshkent :Fan va texnologiyalar, 2009.